

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqa  
boshlagan

№28, 2023-yil  
26-iyul,  
chorshanba (32.774)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta


*Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi*

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ПАРЛАМЕНТДА БОШЛАНАДИ



2

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ



Жорий йил 16-25 июль кунлари Швейцария давлатида 90 га яқин мамлакатдан 350 га яқин ўқувчи иштирок этган 55-Халқаро кимё олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар иккита олтин, битта кумуш, битта бронза медални қўлга киритди.

Терма жамоа таркибида Азизбек Назаров Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси ҳамда Абдуллоҳ Маҳмудов Учтепа тумани 81-мактабининг 10-синф ўқувчиси олтин медалга муносиб топилди.

Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаби 11-синф ўқувчиси Шаҳзода Ҳакимова кумуш медални қўлга киритди.

Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг 10-синф ўқувчиси Соҳибжон Дилмуродов бронза медалга лойиқ топилди.

ЎзА.

## РАҚАМ

Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йил январь-июнь ойларида республикамизда 434 519 та туғилиш қайд этилган.

Шундан

# 9 810

нафарини эгиз туғилганлар ташкил этади.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚАДАЛГАН НИГОҲЛАР



5 САҲИФА

## ҚАРЗ УНДИРИШДА ҲАМ ОДОБ БЎЛИШИ КЕРАК



6 САҲИФА

## СЎНМАС ХОТИРА

Яқинда «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНING ТАШКИЛ ТОПГАНИГА БИР ЮЗ БЕШ ЙИЛ ТЎЛДИ. БУ ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДА «ИШТИРОКИЮН» НОМИ БИЛАН САККИЗ ЮЗ НУСХАДА БОСИЛГАН ЭДИ. ГАЗЕТА ЎЗБЕКИСТОНДАГИНА ЭМАС, БУТУН ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА БИРИНЧИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ НАШРИ СИФАТИДА НАМОЁН БЎЛГАН. ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ЁЗИЛИШИЧА, ГАЗЕТАНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИҚИШИ ЎЛКАМИЗДА ХАЛҚ БАЙРАМИ СИФАТИДА НИШОНЛАНГАН.

ГАЗЕТАМИЗ 1920 ЙИЛ 12 ДЕКАБРДАН «ҚИЗИЛ БАЙРОҚ», КЕЙИНРОҚ «ТУРКИСТОН», 1924 ЙИЛ ДЕКАБРДАН БОШЛАБ «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН», 1964 ЙИЛДАН «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», 1991 ЙИЛДАН «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚИБ КЕЛМОҚДА.

4 САҲИФА



## Mahallalarda kasanachilikni tashkil etgan tadbirkorlarga subsidiya ajratish tartibi belgilandi!

Hukumat qarori bilan (307 son, 22.07.2023 y.)

Hunarmandchilik va kasanachilikni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'lari hisobidan mahallalarda kasanachilikni tashkil etgan tadbirkorlik subyektlariga subsidiya ajratish tartibi to'g'risidagi nizam tasdiqlandi.

Murojaat 3 ish kunida ko'rib chiqiladi



Nizomga muvofiq, kasanachilikni tashkil qilgan tadbirkorlarga Hunarmandchilik va kasanachilikni qo'llab-quvvatlash jamg'armasi mablag'laridan ular faoliyatining dastlabki 3 oyida bir oylik o'rtacha daromadi miqdorida 1 martalik subsidiya beriladi.



Subsidiya olish uchun hokim yordamchisi tavsiyasi asosida mahalliy mehnat organiga yoki YAIDXP (my.gov.uz) portali orqali murojaat qilishi mumkin. Murojaatda kasanachi ma'lumotlari, subsidiya to'lab berilishi lozim bo'lgan hisobvaraqlar va manzili ko'rsatiladi.

Subsidiya ajratish quyidagi holatlarda rad etilishi mumkin:

- hujjatlar to'liq taqdim qilinmaganida;
- kasanachi bilan tuzilgan mehnat shartnomasi yoki fuqarolik-huquqiy shartnomasi Yagona elektron shartnomalar portalida ro'yxaldan o'tkazilmaganida;
- kasanachining dastlabki 3 oy davomidagi daromadi haqidagi ma'lumot haqqoniyligi tasdiqlanmasa.

Murojaat rad etilganida 1 kunda bu haqida murojaatchiga xabar beriladi.



## FAOLIYAT

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ПАРЛАМЕНТДА БОШЛАНАДИ

СЕШАНБА КУНИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЯЛПИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЙИГИЛГАН ДЕПУТАТЛАР БИР-БИРЛАРИ БИЛАН САМИЙ, КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ФИКР АЛМАШИБ ОЛИШГАНИДАН СЎНГ ЙИГИЛИШ БОШЛАНДИ.

ДАСТЛАБ ДЕПУТАТЛАР СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ Ш.ХАМРАЕВНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 – 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ АХБОРОТИНИ ЭШИТДИ.



Парламент эшитувида Концепция доирасида амалга оширилган ишлар натижасида соҳада сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан **жами 3,1 млрд. куб.метр сув тежалганлиги** келтириб ўтилди.

Концепция доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА)нинг грант маблағлари ҳисобидан **61 та сув хўжалиги объектида сув ресурсларини онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи "ақлли сув" қурилмалари, 15 та кичик метеостанция ҳамда жойлардаги вазиятни визуал назорат қилиш имконини берувчи кузатув камералари** ўрнатилгани таъкидланди.

Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда республикамизда томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет каби усулларда суғориш, шунингдек, ерларни лазер ускунаси ер текислагичлар билан текислаш технологияларини жорий қилиш устувор вазифа сифатида танлаб олинган.

Масалан, 2018 йилгача республика бўйича сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар 28 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 1 миллион гектарга етган. Жумладан, Концепция доирасида **2022 йилда республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилатиб, 31,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 16,3 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 451,9 минг гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланган.**

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда депутатлар томонидан соҳада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги айтиб ўтилди.

Хусусан, Концепцияда соҳага давлат-хусусий шериклик механизми ва сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий этиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросига етарлича эътибор қаратилмапти. 2023 йилда мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш лойиҳалари учун ажратилган **421,6 млрд. сўм маблағлардан 62,6 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг бор-йўғи 15 фоизи ўзлаштирилган.** Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган парламент эшитувида депутатлар сув хўжалигини ривожлантириш, соҳада сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва хизмат кўрсатиш, замонавий бошқариш

тамойилларини жорий қилишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Кун тартибидан иккинчи бўлиб, **Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти** тингланди.

Ҳисобот даврида комиссия томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар қилинган. Масалан, Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган **14 та қонун лойиҳаси юзасидан 40 дан зиёд асосланган таклифлар** тайёрланган.

Мажлисда Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ўз тавсияларини беришди.

Йиғилишда **"Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги** қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан метрология хизматларини кўрсатиш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш мақсадида давлат метрология назоратини ташкил этиш ва соҳада хизматларни кўрсатиш функциялари белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси билан **давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахслар (хусусий сектор)га ўлчаш воситаларини қиёслаш хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи** ҳам бериляпти. Бу ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг фаолият соҳасини кенгайтиришга, метрология хизматларини кўрсатиш бозорда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Узоқ давом этган савол-жавоблар, баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Депутатлар **"Ер тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги** қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси сервитут шартномаси, сервитут иштирокчиларининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари, сервитутни ўзгартириш, бекор қилиш, сервитут учун ҳақ тўлаш, оммавий сервитутни белгилашга оид

» **2022 йилда республика бўйича жами 398,4 минг гектарда томчилатиб, 31,0 минг гектарда ёмғирлатиб, 16,3 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 451,9 минг гектар майдонлар лазер ускунаси ёрдамида текисланган.**

қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Маълумот учун, **"сервитут" ҳуқуқи** бу – ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланишдир.

Бундан ташқари, ижара муносабатларининг объектларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа шахсга ўтказилиши тартиблари (қайта ижарага берилиши) белгиланмоқда, ер участкаларини ижарага беришнинг тартиби ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкасига мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳоллари аниқлаштирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ижара муносабатлари янада кенгайтиришга, сервитут белгилаш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишига, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу кунги мажлисида депутатлар **контрафакт ва истеъмолга яроқсиз товарларнинг муомаласига чек қўйишга қаратилган** — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда атрофлича кўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан инсон ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ишлаб чиқарганлик ва муомалага киритганлик учун жазо чоралари янада кучайтирилиши таклиф этилмоқда. Жумладан, инсон соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи товарларни ишлаб чиқариш ва сотганлик учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари, **этил спирти, алькогол ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик тўғрисида-тўғри жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши** белгиланмоқда. Санитария ва ветеринария қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси оғирлаштириляпти.

Шунингдек, **тадбиркорнинг товар брендидан ноқонуний фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар тартиби** аниқ белгилаб берилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, контрафакт ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг муомаласига чек қўйиш ҳамда ишлаб чиқарувчилар манфаатларини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини таъминлашга хизмат қилади. Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан мақулланди.

Мажлисда депутатлар **"Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизими шакллантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги** қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Қонун лойиҳаси билан **7 та кодексга, 59 та қонунга ўзгартиришлар** киритилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси қонунлари "Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари"** деган тушунчани қонунчиликдан чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартиришлар назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларининг биринчи босқичи доирасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлашга, шунингдек, профессионал бошқарув принципларига асосланган ва натижага йўналтирилган республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизimini шакллантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги** қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Ўзбекистон Республикаси **референдумига чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берилишини,** шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланишини** назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонун янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштирилмоқда. Қонун устуворлигини ҳаммадан яхши англайдиган, қолаверса, бу техник жараён эканлиги учун халқ вакиллари қонун ижодкорлари ва масъул кўмита илтимосини инобатга олиб, лойиҳани иккинчи ва учинчи ўқишларда ҳам маъқуллаб беришди.

Бу сўзсиз янгиланган Конституциянинг устуворлиги тан олиними, мамлакатнинг бутун худудидан олий юридик кучга эга бўлиши, тўғридан-тўғри амал қилишига хизмат қилади.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири



# “ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА”

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Халқ депутатлари Денов туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Ш.Қодирова ва М.Абдураимовлар ташаббуси билан тумандаги “Буюк келажак” маҳалла фуқаролар йиғинида амалий учрашув ташкил этилди.

Учрашув давомида, аниқланган муаммолар ҳал этилиб, фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларга амалий ёрдамлар берилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаати ва ўрганишлар натижасида ушбу маҳалла кўчаларида асфальт қопламасини ётқишиш ишлари бошлаб юборилди.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Юртимизда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида кўплаб амалий лойиҳалар ўтказилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ХДП Булоқбоши туман кенгаши раиси М. Холмирзаева томонидан “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди. Унда “Кўприкбоши” ва Навоий маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи ногиронлиги бор ёлғиз кексалар ва хотин-қизлар ҳолидан хабар олинди.

Улардан Абдурахмонова Насимахонга ногиронлик аравачаси, Алиева Дилрабога кўлтиктаёк, Исмоилова Ҳабибахонга эса озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Шунингдек, ҳамширалар билан ҳамкорликда узок вақт бемор ётган ёши улуг онахонлар ва аёллар ҳолидан хабар олиниб, керакли дори-дармонлар билан таъминланди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги “Кўтарма” маҳалласида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган “Депутат маҳаллада”, “Яхшилик ва хайрия” лойиҳалари доирасида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Чилонзор туман кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, 14-Тўхтагул округи депутати Маҳмудова Донохон томонидан аҳоли мурожаатлари ўрганилди ва назоратга олинди.

Учрашув сўнггида “Кўтарма” МФЙ фаоллари ҳамда фуқаролари депутатга маҳалла фуқароларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келаётганлиги, маҳаллани ободонлаштириш ва муаммоларни бартараф



қилишда ўз билим ва тажрибаларини аямаллаштириш учун минатдорчилик билдиришди.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Мирзачўл туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи “Янгидала” ҚФЙ ва “Мирзадала” ШФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларида бўлишиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар ва тақлифларни кўриб чиқишди.

Жумладан, М.Темиров, Х.Рустамовлар моддий ёрдамга муҳтожлиги, Р.Терехова, Б.Боймановлар уй-жойини жорий таъмирлаш зарурлиги тўғрисида мурожаат қилишди.

Юқоридаги ўрганишлар бўйича, йўналишига қараб масъул ташкилотларга боғланган ҳолда масалалар ижобий ҳал этиладиган ва депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Жамоатчилик назорати бўлмаган ёки жамоатчилик назорати етарли даражада кучга эга бўлмаган мамлакатда фуқаролик жамияти шаклланишини ҳам тасаввур қилиш қийин. Бу борада ҳудудларда кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари Бахтиёр Тошпўлатов ҳамда Музаффар Маматқуловлар бошчилигида Шароф Рашидов тумани ҳудудида жамоатчилик назорати тадбири ташкил этилди.

Туманнинг “Хавастлик”, “Совунгарлик”, “Пастки сўлокли” ва “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ичимлик сув ва оқова сув тармоқларини қуриш ҳамда аҳолини доимий сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар ўрганилди.



олиши бўйича ҳуқуқлари тўғрисида тушунчалар берди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Н.Раҳманбердиеваннинг ташаббуси билан шаҳар тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимида “Аёллар ижтимоий ҳимояси-ижтимоий фаоллик пойдевори” мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Учрашувда ушбу муассаса бошланғич партия ташкилоти раиси М.Исабекова ҳамда бир гуруҳ партия фаоллари хотин-қизлар билан партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришди.

Тадбир давомида хотин-қизларнинг жамиятда эгаллаган ўрни ва роли, уларга яратилаётган шароит ва имкониятлар, ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор, имтиёزلар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Учрашув сермазмун, очик мулоқот руҳида давом этди.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Дарҳақиқат, китоб инсонни ердан кўкка кўтарувчи, унинг маънавий қувватини оширувчи буюк кучдир. У инсониятнинг тарихий хотираси, маънавий-маърифий олами, илмий заминини мустаҳкамловчи, келажакни ёрқин кўрсатиб беришга қодир машъала ҳисобланади.

Китоб туман “Нуроний” жамғармаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ж.Раҳмонов, туман ҳокими маслаҳатчиси А.Омонов, “Бувижонлар мактаби” ҳамда “Оқила аёллар” гуруҳи аъзолари иштирокида “Китоб - билим чироғи” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашув давомида китобхонлик маданиятини шакллантириш орқали ўқувчи-ёшларни турли ётлар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшларни кўпроқ китоб ўқишларига, билим олишларига ўргатиш, ёшлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича ҳар хил китобхонлик кечаларини ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва ҳудудларда ўтказиш тўғрисида суҳбатлашилди.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Халқ депутатлари Янгиер шаҳар кенгаши депутати Гулнора Боймирзаеванинг “Депутатлик қабулига” “Маърифат” МФЙ да истиқомат қилувчи фуқаро, 1-гуруҳ ногирони Нилуфар Маҳкамова мурожаат қилиб, Гулистон давлат университетига ҳужжат топширгани ва ногиронларга бериладиган имтиёزلар ҳисобида йўқлигини маълум қилган.

Шундан сўнг ЎзХДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси А.Тошматов ҳамда депутат Г.Боймирзаевалар мурожаат бўйича Гулистон давлат университети қабул комиссияси раиси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти билан учрашди. Масала жойида ижобий ҳал бўлди. Фуқаро Н.Маҳкамова ногиронларга бериладиган квота ўлиҳатига киритилди.

Шунингдек, мурожаат “Меҳр улашинг!” ойлиги доирасида бўлганлиги сабаб, ушбу фуқарога депутат томонидан мурувват ёрдами ҳам кўрсатилди.

Халқ депутатлари Боёвут тумани кенгаши депутати Облоқул Исанов сайловчиларга ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар юзасидан батафсил маълумот берди.

Учрашув давомида аҳолининг тақлифлари тингланди. Жумладан, иштирокчилар томонидан йўлларни асфальтлаш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш каби муаммолар билдирилди.

Кўтарилган масалаларнинг аксарияти қонун доирасида ўрганилиб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровномаси юбориш орқали бажарилиши назоратга олинди.

Депутатнинг сайловчилар билан учрашуви жойларда давом этмоқда.

Халқимизда яхши инсон йўл қуради, деган нақл бекорга айтилмади. Дарҳақиқат, жамиятда йўлларнинг ўрни беқиёс. Кенг ва раван йўллар манзилимизни яқин қилади, энг муҳими, хавфсизлигимизни таъминлайди.

Ана шундай хайрли ишлардан бири Ўзбекистон ХДП Оқолтин тумани Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари Э.Бабаев, Ғ.Аҳмедов ва О.Усмоновлар томонидан “Ташаббусли бюджет” маблаглари ҳисобидан “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Фарғона” шаҳарчаси қабристонига боровчи йўлга асфальт ётқишиш ишлари олиб борилиши назорат қилинди.

Асфальт ётқишиш ишлари кенг жамоатчилик назоратида сифатли ва жадаллик билан бажарилмоқда. Хусусан, автомобиль йўлларидаги йўл қопламаларини тоза ва соз ҳолда сақлаш, йўл четларидаги ҳар хил чиқинди, ўт-ўланлардан тозалаш ишлари олиб борилмоқда.





IZON

## МАРКАЗИЙ БАНК:

ҚАРЗ УНДИРИШДА ХАМ  
ОДОБ БЎЛИШИ КЕРАК

МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУДДАТИ ЎТГАН ҚАРЗДОРЛИКЛАРИНИ УНДИРИШДА УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР ТАСДИҚЛАГАНИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР ТАРҚАЛДИ. БУ ҲАР ХИЛ МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ.

ШУНИНГ УЧУН ТАВСИЯЛАР ҲАҚИДА КЕНГРОҚ ТУШУНТИРИШ БЕРИШНИ СЎРАБ, МАРКАЗИЙ БАНК ДЕПАРТАМЕНТИ ДИРЕКТОРИ АКМАЛ НАЗАРОВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК.

ли матнли, овозли ва бошқа хабарларни юбориш куйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

- соат 20:00 дан 8:00 гача бўлган вақтда;
  - кунига икки мартадан ортик;
  - ҳафтасига тўрт мартадан ортик;
  - ойига ўн олти мартадан ортик.
- Қарздорликни қайтариш мақсадида электрон алоқа тармоқлари орқали қарздорга юбориладиган матнли, овозли ва бошқа хабарларда камида куйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- кредит ташкилотининг номи;
  - муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги, шу жумладан, унинг миқдори ва таркиби (асосий қарз, фоиз қарзи ва бошқалар);
  - кредит ташкилотининг алоқа телефон рақами.
- Кредит ташкилоти томонидан муддати ўтган қарздорликни қайтариш мақсадида қарздорга унинг яшаш ёки рўйхатда турган манзили бўйича почта орқали жўнатиладиган барча хабарларда куйидагилар кўрсатилиши шарт:

- кредит ташкилоти номи;
- кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар (жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва алоқа телефон рақами);
- хабарни имзолаган шахснинг исми, фамилияси ва шарифи ҳамда лавозими;
- қарздорга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқининг юзага келиши учун асос бўлган шартномалар ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;
- қарздорликнинг миқдори ва таркиби, уни тўлаш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар (аввалги кредит ташкилотининг талаб қилиш ҳуқуқи қисман янги кредит ташкилотига ўтган тақдирда, ўтказилган талаб қилиш ҳуқуқининг суммаси ҳам кўрсатилади);
- қарздор ўз мажбуриятларини бажариши лозим бўлган муддат (ўн кундан кам бўлмаслиги лозим);
- белгиланган муддатгача қарздор ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари;

- қарздорликларни тўлаш усуллари ва пул маблағлари ўтказилиши мумкин бўлган банк реқвизитлари;
  - низони судгача ҳал қилиш усуллари.
- Кредит ташкилотига қарздор билан телефон алоқаси орқали тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун фақат кредит ташкилотига тегишли бўлган корпоратив рақамларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда, қарздорга кўнгироқ қилинган ёки хабар юборилган алоқа телефон рақами ёхуд хабар юборилган электрон почта манзили ёки жўнатувчи тўғрисидаги маълумотларни яшириш тақиқланади. Шунингдек, қарздор билан ўзаро муносабатлар давлат тилида ёки шартнома тузилган тилда амалга оширилиши лозимдир.

Кўриниб турибди, мазкур тавсиялар жуда муҳим ва керак. Уларнинг амалиётга жорий қилиниши жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлинишини таъминлайди. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар манфаатдорликка асосланишига, фуқароларнинг кредит ташкилотларига нисбатан ишончи ошишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



нинг ҳуқуқлари алоҳида ҳимояга муҳтож бўлишини инобатга олиб, кредит тўловларини ундириш жараёни бўйича барча томонларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли меъёрлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан муддати ўтган қарздорликни ундириш жараёнида жисмоний шахсларнинг фуқаролик ва истеъмолчи сифатидаги қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 24 июндаги қарори билан жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарздорликларини ундиришда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши таъминлашга доир тавсиялар тасдиқланди. Жисмоний шахсларнинг кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликларини қайтариш юзасидан кредит ташкилотлари билан жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларга эътибор қаратилган.

Жумладан, кредит ташкилотининг ташаббусига кўра, куйидаги ҳолларда қарздор билан бевосита ўзаро муносабатларга киришишга йўл қўйилмайди:

- соат 20:00 дан 8:00 гача бўлган вақтда;
  - ҳафтада бир мартадан ортик шахсий учрашувлар;
  - телефон алоқа орқали кунига бир мартадан ортик, ҳафтасига икки мартадан ортик, ойига саккиз мартадан ортик.
- Кредит ташкилоти ходими қарздор билан ҳар сафар шахсий учрашув асосида ўзаро муносабатларга киришишда қарздорга кредит ташкилотининг номи ҳамда ташкилот номидан учрашаётганини билдирган ҳолда ўзининг исми, фамилияси ва шарифи тўғрисида маълумот бериши лозим.
- Кредит ташкилоти томонидан қарздорга электрон алоқа тармоқлари орқа-

ИШ ҲАҚИ  
ТЎЛИҚ УНДИРИБ  
БЕРИЛДИ

**Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош тумани адлия бўлими томонидан жорий йилнинг июнь ойида "Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият" мавзусидаги ҳуқуқий акцияси доирасида давлат органлари ва ташкилотларида ўтказилган сайёр қабуллар ҳамда мониторинг ишлари домида бир қатор муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.**

Жумладан, "Кўприк-қурилиш" трести унитар корхонаси "14-сон кўприк қурилиш отряди"да ишловчи А.А. ва бошқа фуқароларнинг иш ҳақларини ундириб беришда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати иш юритувга қабул қилиб олинди, - дейди Тахياتош тумани адлия бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Атабек Гулимбетов. - Мурожаатни ўрганиш давомида ходимларга тегишли иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Адлия бўлими томонидан киритилган тақдирномага асосан мазкур корхонада ишловчи ходимларга 3 миллиард 668 миллион сўм иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

ЎЗА.

**АБИТУРИЕНТЛАР ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН?**

Имтиҳонга куйидагиларни олиб киришга ҳаракат қилса, улардан фойдаланса:

микрокалькулятор лугат китоб  
жадвал компьютер уяли телефон  
шпаргалкалар телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар

Тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, уларга ёрдам берса

Бир-бири билан гаплалашса

Тест материалларини бинодан ташқарига олиб чиқса, тест топшириқлари китоби varaғини йиртса

Имтиҳон вақти тугаганда тест материалларини топширишдан бош тортса

Абитуриентнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаганлиги видеокузатувлар орқали аниқланса

МАНБА: БМК - 261-сон, 03.04.2018 й. @huquqiyaxborot

## БИЛАСИЗМИ?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

"МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИ  
ЎРГАНАМИЗ" ҲУҚУҚИЙ АКЦИЯСИ

Штат қисқарганда ишда  
қолишда кимларга  
устунлик берилади?

Штат қисқариши натижасида ходимлар ишдан бўшатилганда малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорирак ходимлар ишда қолдирилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлганда куйидагиларга афзаллик берилади:

- қарамоғида 2 ёки ундан кўп киши бўлган ходимларга;
- оиласида мустақил иш ҳақи олувчи бошқа ходим мавжуд бўлмаганларга;
- шу иш берувчида узоқ муддат иш стажига эга бўлганларга;
- малакасини ошираётган ходимларга ҳамда ўқишни тамомлаган шахсларга;
- ушбу ташкилотда меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига учраган шахсларга;
- ногиронлиги бўлган шахсларга;
- 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлар бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- меҳнатдаги ютуқлари учун рағбатлантирилганларга эга ва интизомий жазоларга эга бўлмаган ходимларга;
- атом объектида авариялар оқибатида зарар кўрган шахсларга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Ота-оналарнинг фарзанди  
таълими учун тўлаган  
пуллари даромад  
солиғидан озод қилинади

Қонунчиликка кўра, солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтирилаётган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Спортнинг авиамодель ва  
ракетамодель турлари бўйича  
мусобақада ғолиб бўлган  
ўқувчилар ОТМга имтиҳонларсиз  
қабул қилинади

Қонунчиликка кўра, спортнинг куйидаги турлари бўйича республика мусобақаларида 1-ўринни, халқаро мусобақаларда (Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Осиё чемпионатида) 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган академик лицей, касб-хунар коллежи ва мактаблар битирувчилари тегишли ОТМга ушбу йўналишларга умумий қабул квоталари доирасида тест синовлари ва кўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади:

- автомобиль ва мотоцикл спорти;
- спортнинг авиамодель ва ракетамодель турлари;
- олимпия ўйинлари дастурига киритилган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Нималарни қўчма  
савдода сотиш мумкин  
эмас?

Куйидаги турдаги товарларнинг қўчма савдоси тақиқланади:

- техник жиҳатдан мураккаб маиший маҳсулотлар;
- тез бузиладиган товарлар (совиткич ёки музлаткич билан жиҳозланган ҳоллар бундан мустасно);
- енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар;
- болалар озиқ-овқат маҳсулотлари;
- ҳайвонлар, термик ишлов берилмаган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штамплари, озиқалар ва озуқабоп қўшимчалар;
- акциз солинадиган товарлар, шу жумладан, спиртли ичимликлар;
- ҳашаротлар ва зараркунандаларни захарлашда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва захарлар;
- диний мазмундаги материаллар;
- қонунчилик ҳужжатлари билан қўчма савдо объектилари орқали сотилиши тақиқланган товарлар.

t.me/huquqiyaxborot



